

**Масъулияти чекланган жамият
шаклидаги «NEWGLOBALPROFESSIONAL -AUDIT» аудиторлик**

ТАШКИЛОТИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кучаси.30-уй.

Банк: Қишлоқ қурилиш банк Тошкент ш. филиали МФО 00987, Х/р. 20208000904368607001 СТИР: 205311743,

Лицензия: Аудиторлик фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2019 йил 01 апрел кундаги 00750-сонли лицензиясига эга.

**Салбий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Мен Тураев Комил Исмоилович Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «NEWGLOBALPROFESSIONAL -AUDIT» аудиторлик ташкилотининг аудитори (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 04-декабрдаги № 05648 сонли малака сертификатига эга) томонидан хўжалик юритувчи субъект «Qarshi yog'-ekstraktsiya» АЖнинг Молиявий ҳисоботлари (Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи)дан иборат 2019 йил ҳисобот даври учун 31.12.2019 йил ҳолатига тузилган молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз «Qarshi yog'-ekstraktsiya» АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамазмунинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асос бўлади.

Бизнинг фикримизча, махсус қисмда қайд этилган салбий фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

Салбий фикр билдириш учун асос

Хўжалик юритувчи субъект томонидан бухгалтерия ҳисоботида Жорий активлар 14 853 минг сум, Уз маблағлар манбаи 1 828 615 минг сум, узок муддатли мажбуриятлари 422 493 минг сум, Жорий мажбуриятлари 1 843 467 минг сумлик фарк суммага бузилган бу эса бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳисобланади ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларини аҳамиятли даражада бузиб кўрсатилишига олиб келади.

Салбий фикр

Бизнинг фикримизча салбий фикр билдириш учун асос бўладиган қайд этилган вазиятларнинг муҳимлиги натижасида «Qarshi yog'-ekstraktsiya» АЖнинг 2020 йил 01 январ ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттирмайди.

**МЧЖШ «NEWGLOBALPROFESSIONAL -AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори:**

04.08.2020 йил

К.И.Тураев.